

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил июнь ойининг 13 кuni жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Гайбуллаев, суд мажлиси котиби А.Захидов, Булунғур туман прокурорининг катта ёрдамчиси З.Тўйчиев, гумон қилинувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Г.Маматкулова ҳамда жабрланувчи [REDACTED] нинг иштирокида;

19 [REDACTED] йил [REDACTED] август кuni [REDACTED] туманида туғилган, миллати турк, ўзбек тилини яхши биладиган, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] тумани “ [REDACTED] ” маҳалла фуқаролар йиғини “ [REDACTED] ” кўчаси 21-уй 2-хонадонда яшовчи [REDACTED] ( [REDACTED] )га

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан 1-1405-2301/97-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

## А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED], 2023 йил 11 апрель кuni соат 00:30ларда [REDACTED] тумани “ [REDACTED] ” маҳалла фуқаролар йиғини “ [REDACTED] ” кўчасида [REDACTED] ни ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик сабабли уриб унга соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасдан баданга енгил шикаст етказган.

Дастлабки тергов органи томонидан гумон қилинувчи [REDACTED] га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан кўриб чиқишлик учун судга юборилган.

[REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи етказилган зарардан воз кечганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ўз ихтиёри билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у етказилган зарардан воз кечганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни



бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи [REDACTED] ҳамда гумон қилинувчи [REDACTED]нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, прокурор З.Тўйчиев ва ҳимоячи Г.Маматкулованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи [REDACTED]нинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ бартараф қилинганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишлигини инобатга олиб, [REDACTED]га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишликни лозим деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, жабрланувчига ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишлигини тушунтиришни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми 476 ва 585-586-моддаларини қўллаб,-

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

[REDACTED]га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED]га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ажрим эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, гумон қилинувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ж.Гайбуллаев

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Ж.Гайбуллаев

